

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ БҮЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Набийев Мирзоҳид Илҳомович
ИИВ академияси 3-курс курсанти

Жаҳон тажрибасида ҳамда дунёнинг бозор иқтисодиёти асосида ривожланган етакчи мамлакатларининг миллий қонунчилик тизимида меҳнат қилиш ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоялашнинг самарали усул ҳамда йиллар давомида синовдан ўтган воситалари ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган. Уларни ўрганиш ҳамда бу соҳадаги миллий қонунчилигимизнинг янада такомиллаштирилишида уларнинг ижобий ҳусусиятларидан унумли фойдаланиш фақатгина фуқароларимизнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини кафолатлаш ҳамда уларни муҳофаза қилишда эмас, айни пайтда давлатимиз ва жамиятиимзнинг иқтисодий манбаатларини таъминлаш борасида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, меҳнат ҳуқуқининг аҳамияти қўйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, ходимларни ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазалаш; иккинчидан, фуқароларнинг меҳнат фаолиятлари учун нормал шарт-шароитларни яратиш; учинчидан, иш берувчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манбаатларини ҳимоялаш; тўртинчидан, ижтимоий меҳнат муносабатларида ходимлар, иш берувчилар ва давлатнинг ўзаро манбаатларини мувофиқлаштириш.

Ҳар қандай жамиятда ўзига хос ҳуқуқбузарликлари мавжуд бўлиб уни олдини олиш ва бартараф этиш механизми ишлаб чиқилган. Шу жумладан, бошқа хорижий давлатларда ўзига хос жиноятлар турлари бўлиб, уларни олдини олиш шу қонунчилигида белгилаб берилган тартибида амалга оширилади. Шу билан бирга хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва уларни мос равишда Ўзбекистонда қўлланилишини таъминлаш ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъект сифатида меҳнат органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қиласи.

Ҳар давлатнинг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизими бошқа мамлакатларнидан муйян ҳусусиятлари билан ажралиб туради. Бу борада ўзига хос тажриба Россия Федерациясида тўпланган. Мамлакат Конститутциясининг 72-моддасига мувофиқ, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш Россия Федерацияси ва субъектларининг биргалиқдаги бошқарувида амалга оширилади. Ижроия ҳокимиятида раҳбарликни амалга ошириш асосида Президент ва ҳукумат қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, мулкчилик ва жамоат тартибини қўриқлаш бўйича ташкиилий бошқарув чора-тадбирларини амалга оширади, шунингдек жиноий-ҳуқуқий сиёсатнинг асосий йўналишлари ресурсларини белгилайди.

Россия Федерациясининг “Полиция тўғрисида”ги 2011 йил 7 февраль куни қабул қилинган қонунида белгиланганидек, полиция ижроия ҳокимияти федерал органларнинг ички ишлар соҳасидаги ягона марказлашган тизими таркибий қисми ҳисобланади, фаолиятнинг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат: шахс, жамият ва давлатни ҳуқуқча хилоф тажовузлардан ҳимоя қилган ҳода жиноят ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва фош этиш жиноятларни аниқлаш ва очишжиноят ишлари бўйича суриштирувни амалга ошириш, қидирувни амалга ошириш маъмурий ишлар бўйича ишларни юритиш ва маъмурий жазоларни ижро этиш жамоат жойларида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, қурол савдоси соҳасидаги Россия Федерацииси қонунчилигига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш; мулк ва объектларни қўриқлаш жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноятга оид суд иши юритувидаги бошқа иштирокчилари, судялар, прокурорлар, терговчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг бошқа мансабдор шахслар ҳамда қўриқланиши лозим бўлган бошқа шахсларни давлат ҳимояси билан таҳминлаш; эксперт-криминалистик фаолиятни амалга ошириш .

Полиция фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида, Россия Федерацииси ички ишлар вазилиги таркибида қирқдан ортиқ бош бошқарма, департамент, бошқарма ва марказлар ташкил этилган. Уларнинг орасида жамоат тартибини сақлаш ва Россия Федерацииси ижроия ҳокимияти субъектлари билан ҳамкорликни мувофиқлаштиришни таъминлаш бош бошқармаси, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бош бошқармаси. Йирик халқаро оммавий спорт тадбирларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ва улар тизимидағи тарбиявий тузилмалар бевосита жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлиш вазифасини амалга оширса, қолган бош бошқарма, департамент ва марказлар ўзига юклатилган асосий вазифаларни бажариш асносида маълум бир вақт ва даражада ушбу фаолиятда иштирок этадилар.

Хорижий давлатлар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъект сифатида меҳнат органларининг фаолиятини ўрганиш мамлакатимизда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш ва уни олдини олши амалиётида муҳим аҳамият касб этади.